

FORMATION OF PROFESSIONAL SKILLS OF STUDENTS IN TEACHING THE SUBJECT "FOREIGN LANGUAGE" AS A CHALLENGING PROBLEM

Shakhnoz Abbasovna ATADJANOVA¹
Associate Professor of Tashkent State
Pedagogical University named after Nizami
Shahnoz1959@mail.ru

Abstract

The article deals with the issue of formation professional skills of students of non-linguistic higher educational institutions in the process of teaching foreign languages. Today is a huge role for discipline of foreign language in the formation of professional competence of university graduates.

Key words: foreign language, student, skills, professional-oriented, professional skills, communicativeness, competence, subject matter, specialist, non-linguistic higher educational establishment, education.

“ЧЕТ ТИЛ ” ЎҚУВ ПРЕДМЕТИНИ ЎҚИТИШДА ТАЛАБАЛАРНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДОЛЗАРБ МУАММО СИФАТИДА

Шахноз Аббасовна АТАДЖАНОВА¹
Низомий номидаги Тошкент
давлат педагогика университети
Shahnoz1959@mail.ru

Аннотация. Мақолада нофилологик олий ўқув юртларида “чет тил” ўқув предметида ўқитиш жараёнида талабаларни касбий малакасини шакллантириш масаласи хусусида сўз юритилган. Бугунги кунда, битирувчи талабаларнинг касбий малакаларини шакллантиришда “чет тил” муҳим аҳамият касб этмоқда.

Калит сўзлар: чет тил, талаба, малака, касбга йўналтириш, касбий малака, коммуникативлик, компетенция, ўқув предмети, мутахассис, нофилологик олий ўқув юртлари, таълим.

Янгиланаётган Ўзбекистон шароитида турли соҳалар бўйича улкан ўзгаришлар қилинмоқда ва Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Турли соҳаларда рақобатбардош бўладиган мутахассисларга эҳтиёж сезиларли даражада бўлмоқда. Шунга қўра, бугунги мутахассисдан бирорта чет тилни мукамал эгаллаган бўлиши давр талаби бўлмоқда. Бу борада, Ўзбекистон таълим тизимида жуда катта ўзгаришлар бўлмоқдаки, бу ўзгаришлар заминида Ўзбекистонни буюк давлатга айланиши ҳамда, уни янада дунёга танитишда муҳим омил ҳисобланади. Бу борада Муҳтарам Президентимиз “Бундан буён ҳам инглиз тили ва бошқа хорижий тилларни чуқур ўқитиш масаласига устувор аҳамият қаратилади. Шу билан бирга биз учун зарур бўлган мутахассисликлар бўйича таълим олиш ва кадрлар малакасини ошириш ишларини кенг кўламда йўлга қўйиш каби муҳим вазифалар белгиланди” деб такидлайди [1]. Бунда нофилологик олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантиришнинг методик ва лингвистик муаммоларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Инглиз олими Т.Хатчинсоннинг чет тил ўргатиш бўйича айтган сўзини эслаб ўтиш жоиздир: “Менга айт, нима учун сенга инглиз тили керак ва мен сенга қайси инглиз тили кераклигини айтаман” [2]. Бунда олим чет тилнинг нима мақсадда ва қайси

инглизтилини ўргатгани назарда тутиб айтганлигини англаш қийин эмас. Тараққиётнинг ҳозирги босқичида олий ўқув юртларида чет тил ўқитиш жараёнида талабаларнинг касбий малакаларини шакллантириш долзарб масала саналади. Дарҳақиқат, чет тилларни ўрганиш талаба онгининг шаклланишида, яъни унинг дунёқарашида, касбий шаклланишида муҳим ўрин тутadi. Бу эса турли олий ўқув юртларида чет тил таълими сифатини оширишни тақозо этмоқда.

Чет тил ўқитиш жараёнида коммуникатив мақсадни амалга ошириш муҳим ҳисобланади. Таълим олувчи чет тил воситасида керакли ва зарурий информация билан фикр алмаша билишдан иборат. Бизга маълумки, 4та нутқ фаолиятини яхши эгаллаган шахс ахборотни гапириш ва ёзма нутқ орқали етказа олиши коммуникант (мулоқотдош) ҳисобланади. Чет тил ўқитишдаги коммуникатив мақсад маданиятлараро когнитантни шакллантиришдан иборатдир. Когнитант деганда ўрганилаётган тил ташувчилар билан мулоқот қила олиш тушунилади.

Касбий мулоқот меҳнат бозорида рақобатбардош мутахассис учун муҳимдир. Нофилологик ОўЮ да чет тил ўқитишда касбий малакаларни шакллантиришда онглиликнинг аҳамияти улкан бўлиб, бу ҳолат машқлар тизимида ўз аксини топади. Илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, чет тил ўқитиш жараёнида кўникма ва малака параллел равишда ривожланади. Кўникмаларнинг ривожланишига таяниб малака такомиллашади. Машқлар тизимини тузишда буни албатта инобатга олиш зарурдир. Тил таълими бизнингча педагогик муаммо сифатида мазкур таълим мазмунининг таркибий қисмини ташкил этади. Нофилологик ОўЮларида умумтаълимий ўқув предмет мақомини эгаллаган “чет тил” талабаларда тўпланган тил тажрибалари асосида ўрганилади. Тажриба индивид(шахс)нинг нутқий муомала жараёнида муайян мавзуга биноан тил бирликлари билан иш кўришдир. Яъни, ўқувчининг \ айна ҳолда \ талабанинг тажрибаси умумий хабардорлик \ объектив борлиқ ҳақидаги маълумотларни билишдан, тил заҳирасининг лексика, грамматика, талаффуз каби воситаларидан ва маълум бир мавзу доирасида маълумотларни бериш ва олиш қобилиятларидан иборат бўлади” [3].

Тил эгаалашда ҳар қандай кишида ҳам муайян тил тажрибаси ҳосил бўлади. Тил тажрибаси уч таркибий қисмдан иборат. Тил ўқитганда уларни нутқий, лисоний ва лингвистик томонлар тарзида талқин қилинади. Нутқий таркиб деганда, мулоқот малакаси, яъни ахборот етказиш ва ўзгалар фикрини идрок этиб тушуниш; лисоний тарафида эса ахборот олиш ва бериш мақсадида тил бирликларидан фойдаланиш ва ниҳоят лингвистик жиҳатдан тил ҳодисаларига доир билимлар назарда тутилади. Ҳар уч қисм бутун “тил билиш” тушунчасини ҳосил қилади[4].

Чет тилни ўзлаштириш ва ундан фойдаланиш шу тилда сўзловчиларнинг ижтимоий-маданий хусусиятларини, вербал ва невербал коммуникация воситаларини билишни кўзда тутди. Нофилологик ОўЮ да бу, аввало, тил соҳибининг ҳаёти ва тарихи, санъати ва адабиёти, урф одат ва анъаналари билан боғлиқ. Демак, бўлажак мутахассисларнинг дунёқарашини шакллантиришда уларнинг нутқини ривожлантириш ҳам асосий йўналиш ҳисобланади. Сўз ва ибораларни ишлата олиш ва улар иштирокида мустақил гаплар, кичик диалоглар тузиш, ашула ва шеърлар ёдлаш ҳам дарсда нутқий вазиятни юзага келтиради.

Н.Ф.Михеева томонидан ишлаб чиқилган қуйидаги мезонлар асосида касбий йўналтирилган таълим мазмунини лойиҳалаш мумкин.

- 1) тил ўрганишдаги мақсадларнинг фарқи;
- 2) чет тил ўқитишдаги мазмуний жиҳатларни аниқлаштириш, яъни, биринчидан, ёш жиҳатдан, қизиқиши, бўлғуси касбий фаолиятидаги талабларига кўра тематикани аниқлаштириш; иккинчидан, керакли даражада зарурий умумлингвистик ва филологик тайёргарликни таъминлаш;
- 3) етакчи нутқий фаолият турлари иерархиясини, кўникма ва малакаларни шакллантиришнинг чуқурлиги ва тўлиқлигини аниқлаш;
- 4) ўқитиш муддатини ва соатлар ҳажмини аниқлаштириш шакллантирилган кўникма ва малакаларни доимий равишда қўллаш имкониятларини ва ўқитишни жадаллаштириш йўллариини излаб топиш [5].

Чет тил ўқитиш жараёнида талаба онгида касбий малаканинг шакллана бориши, авваламбор, талабанинг ўзига ҳам боғлиқдир. Чет тил ўқитиш жараёнида талаба қанчалик таълимни қабул қилиши, таълимнинг мақсадини англаб етишига ҳамда ўқув фаолиятига боғлиқдир. Чет тил ўрганиш жараёнида баъзи муаммоларнинг пайдо бўлиши табиийдир.

Биринчидан, ўрганилаётган чет тилда фикрни тушуниш ва ифодалашдаги қийинчиликларни талабанинг ўзи енга билиши.

Иккинчидан, талабаларда етарли стимул (рағбатлантирувчи куч), шароитларнинг мавжуд эмаслиги.

Учинчидан, талабанинг коммуникатив компетенция реал имкониятлари етарли даражада эгалламаганликларидир.

Мотивация муаммолари психологияда марказий ўринлардан бирини эгаллайди. Олий таълимда чет тил ўқитиш жараёнида ўқитувчи талабага мақсадга йўналтирилган нутқ мулоқоти малакасини ўргатади, айти пайтда, касбга ҳам йўналтириб боради.

Нутқ мавзуларининг тақдим этилишида, изчилликнинг таъминланиши зарур. Мактаб ва олий мактаб нутқ мавзулари тақдимотида изчилликни таъминлашга мисол келтирамиз. Мактабда, яъни ўқувчилик даврида кун тартиби қандай бўлганлигини ва ҳозир талабалик даврида қандайлиги ҳақида чет тилда фикр билдиради. Демак, нутқ мавзуларини кенгайтириб, мазмунан бойитиб борилиши натижасида изчиллик содир этилади. Ўқув дастурида кўрсатилган мавзуларнинг ташқи томони – уларга мос мақсад ва мазмуннинг танланишидир. Мавзуни ички томондан таъминловчи мезонларга эса матн, грамматик материал ва машқлар киради. Мавзу ва тил материалининг шаклланиб бориши малакани таъминловчи омиллардандир [6].

Чет тилни ўқув предмет сифатида ўқитишнинг асосий вазифаларидан бири талабанинг маърифий ривожланишига таъсир этиш, яъни тил ўрганилаётган давлатнинг тарихи, маданияти ҳақидаги билим доирасини ўсишига кўмаклашишдир. Бироқ бу вазифа (умумтаълим функциясини бажариш) бугунги кунда асосий мақсад бўлмаса керак. Ҳозирги кунда чет тил талабанинг касбий билимларини малакаларини шаклланишидаги ўрнини, аҳамияти муҳим эканлигини унутмаслик керак. Чет тилни ўзлаштириш талаба ўз касбига оид дунёвий маълумотлар билан кенг миқёсда танишиш имкониятга эга бўлади. Чет тил ўқитишнинг ушбу функцияси таълимнинг бутун жараёнини қамраб олади. Чет тил ўқитишда тил материалларидан фойдаланиш восита шаклларида намоён бўлади. Талабаларнинг касбий малакаларини шакллантиришда тил материалларидан унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади (лексика, грамматика, фонетика). Шунга кўра нофилологик олий ўқув юрти талабаларига чет тил ўқитишда грамматик материални танлашдаги муҳим омил актив ва пасив грамматик материалларга бўлиш масаласидир.

Грамматик материалларни актив ва пасив тоифаларига бўлиш олимлар томонидан (Л.В.Щерба, А.А.Миролюбов, И.В.Рахманов, В.С.Цетлин, Б.А.Лапидус ва бошқалар) доим муҳокама қилиниб келинган ҳозирги кунда ҳам муҳокама қилинмоқда. Хулоса қилиб айтиш мумкинки, касбга йўналтирилган матн ва машқлар тизимини инновацион технологиялар асосида ишлаб чиқиш ва таълим жараёнида узлуксиз қўллаш талабаларни касбий малакаларини ривожлантиришга хизмат қилади.

References

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий мажлиси мурожатномаси//Правда востока., 2017 йил 23 декабр.-№ 248(28706) –Б.2.
2. Крупченко А.К. Становление профессиональной лингводидактики как

теоретико-методологическая проблема в профессиональном образовании:
Автореф. дис. ... д-ра. пед.наук. – М., 2007.– 36 с.

3. Джалалов Д.Д. Проблемы содержания обучения иностранному языку: Монография. –Т.: Фан, 1987– 110 с.

4. Жалолов Ж.Ж. Тил таълимнинг мақсад ва мазмуни. Тил ва адабиёт таълими. 1993 й., 45бет.

5. Михеева Н.Ф. Языковое образование в национально-культурном наследии России: исторические традиции, современность, взгляды в будущее. – М: АПК и ПРО,2001. – 220с.

6. Калмыкова Л.И. Профессионально-ориентированное взаимосвязанное обучение всем видам иноязычной речевой деятельности в неязыковом вузе. – Пермь, 1986. –204 с.